ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН ФАРҒОНАДА КАТТА ТАНТАНА ҚИЛИНДИ

Дунё узра мустақил Ўзбекистоннинг байроғи ҳилпирай бошлаганига 30 йил тўлди. Байроғимиз халқаро майдонда мамлакатимизнинг куч-қудрати, мустақиллигимизнинг жаҳон аро ифодаси рамзи бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз байроғи – ўтмиш, бугун ва келажагимизнинг ёрқин тимсолидир. Байроқда руҳиятимиз, меҳр-муҳаббатимиз, ғурур ва ифтихоримиз, Ватанга, халққа, порлоқ келажакка комил ишончимиз мужассамдир. Ўзбекистонимиз байроғи ҳам юртимизда яшовчи 130 дан зиёд миллат ва элатларни ягона мақсад ва ғоя остида бирлаштирувчи муқаддас қадрият, миллатлараро тотувлик белгисидир.

Шу муносабат билан вилоятимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносиб равишда нишонланди. Фарғона шаҳридаги кўп тармоқли “Само” спорт мажмуасида байрамнинг расмий қисми бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов кириш сўзи билан очиб берди, ҳоким ўринбосари ўз сўзида Байроқ халқнинг буюк қадриятларидан, унинг ўзлигини ифодаловчи юксак хусусиятларидан бири эканига тўхталиб, давлатчилигимиз тарихининг барча даврларида байроқ озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлганига алоҳида урғу берди.

Ҳарбий муассасалар, маданият ва санъат вакиллари иштирокидаги мусиқий бадиий-композицион чиқишлар йиғилганларга бирдек манзур бўлди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-11-18 19:34:00